

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАР МАНБАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Мадреимов Айтбай Оразбаевич -**  
Қорақалпоқ давлат университети  
“Молия” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижалари, шундан солиқ бюджет соҳасидаги самарали ишлар ҳақида кенг қамровли ўзгаришларнинг бўлаётганлиги акс эттирилган. Шунинг билан бирга солиқ сиёсатининг асосий мақсади бўлган солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш масалалари ҳамда давлат бюджети даромадлар манбаларининг таркибий ўзгариш тенденциялари баён этилган.

**Калит сўзлар:** давлат бюджети, ялпи ички маҳсулот, солиқ юки, солиқ сиёсати, бевосита ва билвосита солиқлар, солиқ тўловчилар, бюджетдан ташқари жамғармалар, консолидациялашган бюджет, оптималлаштириш.

ТЕНДЕНЦИИ ИЗМЕНЕНИЯ ИСТОЧНИКОВ ДОХОДЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО  
БЮДЖЕТА УЗБЕКИСТАНА

**Мадреимов Айтбай Оразбаевич -**  
старший преподаватель кафедры “финанс”  
Каракалпакского государственного университета

**Аннотация:** В данной статье отражены положительные результаты экономических реформ в нашей стране, в том числе происходящие комплексные изменения в эффективной работе в сфере налогообложения. При этом описаны вопросы обеспечения согласования интересов налогоплательщиков и государственного бюджета, которые являются основными целями налоговой политики, а также тенденции структурных изменений источников доходов государственного бюджета.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, валовой внутренний продукт, налоговая нагрузка, налоговая политика, прямые и косвенные налоги, налогоплательщики, внебюджетные фонды, консолидированный бюджет, оптимизация.

TRENDS IN CHANGES IN SOURCES OF REVENUES OF THE STATE BUDGET OF UZBEKISTAN

**Madreimov Aytbay Orazbaevich -**  
senior teacher of the Department of Finance of  
Karakalpak State University

**Resume:** This article reflects the positive results of economic reforms in our country, including the ongoing complex changes in effective work in the field of taxation. At the same time, the issues of ensuring the coordination of the interests of taxpayers and the state budget, which are the main goals of tax policy, as well as trends in structural changes in the sources of income of the state budget, are described.

**Key words:** state budget, gross domestic product, tax burden, tax policy, direct and indirect taxes, taxpayers, off-budget funds, consolidated budget, optimization.

**Кириш.** Ўзбекистонда мустақиллик даврида амалга оширилган ислохотларда солиқ сиёсати ўзига хос мазмун ва хусусиятга эга, чунки республикамизда солиқ тизимининг шаклланиши мустақиллик йиллари билан чамбарчас боғланган. Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан миллий солиқ сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида “Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш[1]” белгилаб берилдики, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга йуналтирилган [1].

Ушбу уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим мезони солиқ юкини пасайтириш баробари-

да солиқ солинадиган базанинг кенгайтириш ва хуфёна иқтисодиётни улушини камайтириш орқали давлат бюджетини етарли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлашга эришишдан иборат.

**Адабиётлар таҳлили.** Давлат бюджети даромадлари манбалари тузилишининг узгаришига иқтисодий, сиёсий, табиий ва бошқа турли омиллар таъсир этиши мумкин. Президентимиз фармонларида, ҳисоб палатаси ҳулосаларида шунингдек молия вазирлигининг Давлат бюджети даромадлар қисмининг ижроси бўйича ҳисоботларида бюджет даромадлари таркибида солиқлар улишининг узгариш тенденцияларига изоҳлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан миллий солиқ сиёсатининг муҳим йў-

налишлари сифатида “Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш” белгилаб берилдики, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга йуналтирилган [1].

Ресурс туловларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2019 йилда 3,7 фоиздан 3,5 фоизга пасайиши, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилиши ҳисобига пасайганликлари кўрсатиб ўтилган [2].

Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар қисмининг 2020 йил ижроси бўйича натижаларига кўра, 2020 йилда солиқларнинг асосий турлари ишида билвосита солиқларнинг бюджет даромадларидаги улиши 45,3 фоизни, бевосита солиқлар улуши 31,7 фоизни, ресурс солиқларининг улуши 16,1 фоизни, шунингдек бошқа даромадлар улуши эса 6,9 фоизни ташкил этганликлари ва унинг сабаблари ҳисобатда тақидланган [3].


**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақола тайёрланиши жараёнида Президент фармонлари, молия вазирлиги ҳисобатлари ва Ҳисоб палатасининг хулосаларини тизимли таҳлили асосида солиштириш методи орқали солиқлар

таркибининг узгариш тенденциялари шакллантирилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** 2018 йилнинг декабр ойида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниши натижасида солиқ турларини кескин камайтиришга, шу билан бирга Давлат бюджети даромадлари манбаларининг ўзгаришига олиб келди. 2019 йил маълумотларини таҳлининг кўрсатишича, билвосита солиқлар бўйича 2019 йил 55,5 трлн.сумни (жамми даромадларнинг 54,1%), қўшилган қиймат солиғи - 40,8 трлн.сумни (39,7%), акциз солиғи - 12,7 трлн.сумни (12,4%), божхона божлари - 2,1 трлн.сумни (2,0%) ташкил килди.

Шунингдек билвосита солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2019 йилда 11,9 фоиздан 13,6 фоизгача кўтарилган, қўшилган қиймат солиғини тулиқ ҳисобга олиш тизимини жорий этиш, солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёзлар сонини камайтириш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун хар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига ўрнатилган акциз ва йигимларни бирлаштириш ҳисобига кўпайган.

Ресурс туловларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2019 йилда 3,7 фоиздан 3,5 фоизга пасайиши, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилиши ҳисобига пасайди [2].




**1-расм. Солиқ турларининг бюджет даромадидаги 2019 йилги улуши(фоиз)**

*Манба: ЎзР ҳисоб палатаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

2020 йил учун Давлат бюджети даромадлари 128,4 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 20 фоизи миқдорида бўлиши режалаштирилган эди. 2020 йил учун Давлат бюджетининг кутилаётган тушумларини баҳолашда иқтисодиётнинг реал ўсиши, солиқлар маъмурчилигини такомиллаштириш, алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши, шунингдек нарх ва валюта курсининг кутилаётган ошиши каби омиллар ҳисобга олинган.

Давлат бюджетининг асосий даромад манбалари сифатида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) – 44,2 трлн. сўм, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи – 22,1 трлн. сўм ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи – 16,1 трлн. сўм белгиланган.

Давлат бюджетининг даромадлари таркибида деярли барча турдаги солиқлар бўйича тушумлар ўсиш тенденцияси кузатилган:



2-расм. 2020 йилда давлат бюджети даромадлари таркибининг асосий солиқ турлари буйича ўзгариши (фоизда)

Манба: ЎзР ҳисоб палатаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


Ушбу диаграмма маълумотларидан кўри-ниб турганидек 2020 йилда солиқларнинг асо-сий турлари ишида билвосита солиқларнинг бюджет даромадларидаги улиши 45,3 фоизни, бевосита солиқлар улиши 31,7 фоизни, ресурс солиқларининг улиши 16,1 фоизни, шунингдек бошқа даромадлар улиши эса 6,9 фоизни таш-кил этган.

2019 йилга нисбатан 2020 йили билвосита солиқларнинг улушининг камайиб кетишининг асосий сабаблари коронавирус пандемияси дав-рида иқтисодий фаолликни чеклаш, тадбиркор-лик субъектларига солиқ имтиёзлари ва префе-ренциялар бериш, шунингдек ташқи талабнинг камайиши билан боғлиқ эди.

Молия вазирлигининг Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат бюджети даромадлар қисмининг 2020 йил ижроси бўйича натижаларига кўра, давлат бюджети даромадлари 2020 йилда 132,9

трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 22,5 %) ташкил этган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 68 %га, 2019 йилга нисбатан эса 18,5 %га ошган. Шунингдек, 2018 йилда бюджет даромадлари 79,1 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 19,4 %), 2019 йилда эса 112,2 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 21,9 %) таш-кил этган [3].

2020 йилда бюджетдан ташқари жамғар-малар билан биргаликда Консолидациялашган бюджет даромадлари 154 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 26 %) ташкил этган. Консолидация-лашган бюджет 2018 йилга нисбатан 1,4 баро-бардан кўпроқ, 2019 йилга нисбатан 1,1 баро-бардан кўпроқ ошган. Консолидациялашган бюджет даромадлари 2018 йилда 107 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 26,3 %), 2019 йилда эса 137,1 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 26,7 %) ташкил этган.



3-расм. Бюджет даромадларида солиқларнинг улуши 2021 йил прогнози

Манба: 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджети тугрисидаги қонуни.

Сўнги йилларда Давлат бюджети даромадларининг ошиши ЯИМга нисбатан ўсиши ҳисобига консолидациялашган бюджет даромадларининг умумий миқдорининг ўсишини сақлаб қолиш имконини бермоқда.

2021 йилги солиқ прогнозларини 2-диаграмма маълумотларидан кўриб чиқамиз. Бунда билвосита солиқларнинг бюджет даромадларидаги улуши 50,2 фоизни ташкил этади ва 2020 йилга нисбатан 4,9 фоизга ортиши режалаштирилган. Сабаби 2021 йилда коронавирус пандемияси туфайли иқтисодий чеклашлар даражаси камайди. Бевосита солиқлар улуши 27,04 %га, ресурс солиқлари 10,74 %га ва бошқа даромадлар режаси эса 12,18 % бўлиши кўзда тутилмоқда. Солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб, мобиль алоқа хизмати курсатувчи операторларидан абонент туловининг бюджетга утказиладиган қисми, бензин, дизель ёқилгиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқлар акциз солиғига айлантирилди ва шу солиқ таркибида акс эттирилмоқда.

Мазкур даромад турларини прогнозлаштиришда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкаларини индексация қилиниши, полиэтилен гранулалари учун акциз солиғи киритилиши инobatга олинган.

Ўзбекистонда шаклланган солиқ юки даражасини халқаро миқёсда солиштириб кўриш мақсадида, макродаражадаги солиқ юки кўрсаткичларини қатор мамлакатлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, юқори даражада ижтимоий ҳимоя йўлга қўйилган давлатларда солиқ юкининг юқори даражаларини кузатиш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар** урнида куйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин. Давлат бюджети даромадлари манбаларининг 2019-2021 йиллардаги ўзгариш тенденцияларига таъсир этувчи омилларга боғлиқ куйидаги сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Ушбу даврларда бюджет даромадлари манбалари ўзгаришининг асосий сабаби коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тадбиркорлик субъектларига бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилиши асосий сабаб бўлди. Бундай чоралар жумласига 2020

йил 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармон, 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармон, 2020 йил 27 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сон Фармон, 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996 Фармон, 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон Фармонларни келтириш мумкин.

Давлат бюджетидаги билвосита солиқлар улушининг камайиши 2019 йил 1 октябрдан ҚҚС ставкаларининг пасайиши, йирик давлат корхоналари ва давлат ўртасида ҚҚС бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш механизмнинг такомиллашиши, акциз солиғини оптималлаштириш, импорт қилинадиган маҳсулотларга ставкалар ва импорт божлари кабиларнинг натижа-сидир.

Бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар улушининг 2019 йилнинг 1 -чорагидаги 21,8% дан 2020 йилнинг 4-чорагида 36,2% гача ўсиши солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг муҳим йўналишини амалга ошириш билан боғлиқ. Ресурс тўловлари ва мол - мулк солиғининг Давлат бюджетидаги улуши ўрганиш даврида 2019 йилнинг I чорагидаги 19,3% дан 2020 йилнинг I чорагида 17,8% гача камайди, бу шу пайтгача бу соҳада реал ислохотларнинг йўқлиги билан боғлиқ солиққа тортиш.

2021 йилги бюджет режаси эса пандемияга боғлиқ иқтисодий чекловлар ва қўшимча имтиёзлар назарда тутилмаган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги №5468 сонли Фармони.
2. Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги хулосаси. 2020 йил.
3. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар қисмининг 2020 йил ижроси бўйича ҳисоботи. 2021й.
4. <http://www.soliq.uz> (ЎЗР Давлат Солиқ Кўмитаси сайти)
5. <http://www.mf.uz> (ЎЗР Молия Вазирлиги сайти)